САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА СОЦИАЛ-ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

С.Н.Думаев, Д.Н. Нурматов

Мақолада социал-экологик омиллар ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги кўрсатилган ҳамда экологик вазиятнинг кескинлашуви шароитида саноат корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга доир таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: *социал-экологик омиллар, меҳнат ресурслари, меҳнат унумдорлиги, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, бандлик.*

В статье отражена взаимосвязь социально-экологических факторов и использования трудовых ресурсов, предложены рекомендации по эффективному использованию этих ресурсов в условиях обострения экологической ситуации.

Ключевые слова*: социально-экологический фактор, трудовые ресурсы, производительность труда, использование трудовых ресурсов, временная нетрудоспособность, занятость.*

The article describes the relationship between social and environmental factors and the effective using of labor resources, as well as offers on the effective using of labor resources in industrial enterprises in the context of an aggravation of the ecological situation.

Key words: *social-ecological factors, labour resources, productivity of labour, the use of labour resources, temporal loose of labour ability, business.*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг мустаҳкамланиши, иқтисодиёт ривожланишида барқарорликнинг таъминланиши ҳудудларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ҳудуд меҳнат потенциали нафақат меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, уларнинг бандлиги, маълумоти ва малакаси билан, балки уларнинг саломатлиги билан ҳам белгиланади. Шунинг учун аҳоли саломатлигини яхшилаш иш вақти ва бўш вақтдан фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Соғлиқни вақтинчалик (меҳнатга лаёқатсизлик вақти) ёки узоқ муддатга йўқотиш (ногиронлик) корхоналар фаолиятининг барқарорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг саломатлигини тиклаш, муҳофаза қилиш, яхшилаш ва улардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим резервларидан ҳисобланади.

Мустаҳкам соғлиқ ҳар қайси даврда ҳам инсоннинг муҳим эҳтиёжи бўлиб ҳисобланган. Лекин бозор шароитларида ишчининг меҳнати ва фаолиятида содир бўлаётган объектив ўзгаришлар соғлиқни муҳофаза қилишдаги касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларига ижтимоий эҳтиёжларни ошириб боради. Эҳтиёжларнинг умумий қаторида ишчининг соғлиги «қиймати»ни субъектив баҳолаш ҳам ошиб бормоқда. «Аҳолининг саломатлиги ўрнини тўлдириш мушкул ҳисобланган ресурсдир. Бу кейинги пайтда айрим ҳудудлар ҳамда бутун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасининг ўзига хос белгисига айланди» [1.55].

Ривожланишнинг ҳозирги шароитларида социал-иқтисодий вазиятнинг кескинлашуви долзарб муаммолардан ҳисобланади. Хавфсизликка таҳдид ҳақида гап борганда, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов шундай деганди: «...табиатнинг ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Бошқача айтганда, экологик вазият аста-секин ёмонлаша боради. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир» [2.115].

Бу муаммони, айниқса, социал-экологик омиллар меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатаётган корхоналарда кўриш мумкин. Бу, асосан, ишчиларда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касалланиш)нинг ошишида, бунинг натижасида эса иш вақтини йўқотишда ва меҳнат унумдорлигининг пасайишида ўз аксини топади.

Илмий изланишларнинг долзарблигини белгилайдиган асосий омилларга ҳудудларда охирги вақтларда мураккаблашиб бораётган экологик ва демографик вазиятни киритиш мумкин. Бу вазият ҳудуддаги социал-экологик вазиятнинг кескинлашуви туфайли туғилиш, ўлим даражасининг нисбатан юқорилиги, баъзи бир касаллик

турларининг кўпайиб бориши билан белгиланади ва ҳудуддаги меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш муаммоларига янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу, авваламбор, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоларига, кадрларнинг сифат таркиби, структураси, малакаси ва ёши, жинси тузилишининг ўзгаришига тегишлидир. Буларнинг ҳаммаси ҳудудларда ишлаб чиқариш корхоналарида социал-экологик омилларни яхшилаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишларнинг долзарблигини белгилайди

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитларида иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Бу, аввало, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқдир. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш нафақат иқтисодий, балки чуқур социал оқибатларга олиб келади: меҳнат мазмунининг бойитилиши ва шароитларининг яхшиланиши, бўш вақтнинг кўпайиши ва ундан рационал фойдаланиш ва ҳоказо.

«Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш» тушунчаси икки йўналиш бўйича ўрганиб чиқилади. Биринчиси – бандлик турлари, жинси, ёши, маълумот даражаси, соғлиги ва ҳоказолар бўйича. Иккинчи йўналиш меҳнатдан фойдаланиш самарадорлиги билан характерланади. Корхоналар миқёсида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни баҳолашнинг асосий мезони меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги вақт бирлигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан аниқланади [3.153].

Олиб борилган тадқиқотлар асосида биз меҳнат самарадорлигининг ўзгаришига моддий-техник, ташкилий-иқтисодий ва социал-психологик омиллар билан бир қаторда социал-экологик омиллар ҳам бевосита таъсир кўрсатади деб ҳисоблаймиз.

Социал-экологик омилларни ички ва ташқи омилларга ажратиш мумкин [4.300]. Ички омилларга ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитлари, меҳнат ресурслари соғлигининг ҳолати, касбий-малакавий таркиби, ёши, жинси бўйича структураси киради.

Ташқи омилларга ҳудуддаги экологик ҳолат ва тиббий хизмат кўрсатиш даражаси киради**.** Экологик ҳолат тупроққа, атмосферага ва сувга чиқиндиларни ташлаш билан белгиланади.

Ички ва ташқи омиллар меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга бевосита таъсир кўрсатади. Аммо ривожланишнинг ҳозирги шароитларида ташқи омилларнинг таъсири жуда катта.

Социал-экологик вазиятнинг ёмонлашуви саноат корхоналарида ишчилар соғлигининг ёмонлашуви ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг вужудга келиши, муайян иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- атроф-муҳитнинг ёмонлашуви туфайли касалланишнинг ортиши оқибатида вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича нафақаларга ижтимоий суғурта харажатларининг ортиши;

- ногиронликнинг ортиши сабабли нафақалар тўлашга ижтимоий суғурта харажатларининг ортиши;

- касалланиш ва ногиронликнинг ўсиши сабабли соғлиқни сақлаш харажатларининг ортиши;

- кадрлар қўнимсизлигининг ўсиши, ишчиларнинг ногиронлик туфайли ишдан кетиши ва уларнинг ўрнига ишчи тайёрлаш зарурлиги сабабли кадрлар тайёрлашга кетадиган харажатларнинг ортиши;

- вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик туфайли ишчиларнинг ишлаб чиқаришда қатнаша олмаслиги оқибатида маҳсулот сифатининг ёмонлашуви, кадрлар қўнимсизлигининг ортиши.

Шундай қилиб, илмий тадқиқотлар жараёнида социал-экологик омиллар ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган. Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг умумий қонуниятлари, ҳудудда меҳнат ресурсларининг шаклланиш принциплари ва омилларини биргаликда тадқиқ қилиш социал-экологик вазият кескинлашиб бораётган шароитда бир қатор ҳолатларни илмий асослашга ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлашга имкон берди.

Юқорида келтирилган хулосалар асосида мураккаблашиб бораётган экологик вазият шароитида саноат корхоналарида кадрлар потенциалидан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- тартибга солишнинг иқтисодий усулларидан кенг ва самарали фойдаланиш асосида ҳудуддаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш;
- ҳудудда иқтисодий мониторинг, прогнозлаш ва ахборотнинг ягона тизимини яратиш;
- экологик таълим ва ишлаб чиқариш маданияти тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, яъни меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш-экологик маданиятини ва мутахассис-

ларнинг касбий тайёргарлигини ошириш;

- ҳудуддаги корхоналар рейтинги ва экологик хавфсизлик даражасини аниқлаш, халқаро стандартларини (ИСО: 9001:2000, 14001:2004, 18001:1991) жорий қилиш;
- корхоналарда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликни камайтириш учун меҳнат шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни, яъни ташкилий-услубий, санитар-техник, санитар-гигиеник, жамоавий-индивидуал ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш зарур.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон 2006: Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза /муаллифлар гуруҳи раҳбари Г.К Саидова.- Т., 2006.– 138 б.

2. Каримов И.А.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.–Т.: Ўзбекистон, 1997.- 384 б.

3. Экономика труда: Учебное пособие. Под общей ред. Абдурахмонова К.Х. – Т.:ТГЭУ, 2011.- 250 с.

4. Нурматов Д.Н. Влияние условий труда на эффективное использование трудовых ресурсов предприятия // Экономический потенциал Узбекистана: современное состояние и перспективы его использования: Тез. докл. респ. науч. конф. – Т., 2006. – 335 с.

Андижон давлат университети,
2016 йил 20 февралда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. А.Сотволдиев)